

ЖАҲОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АКТ
ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТИ

Шерматов Шерзод Хотамович

ТАТУ, мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг XXI аср бошларидаги устувор йўналишларидан бири рақамли иқтисодиётни шакллантириш ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига қийматни яратиш ва рақамли иқтисодиётдан олинадиган фойда нуқтаи-назаридан кенг имкониятлар яратади. Рақамли иқтисодиёт жуда катта ҳажмдаги ахборотларни тўплаш, улардан фойдаланиш ва таҳлил қилиш асосида ривожланиб бормоқда.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, иқтисодиёт, трансформация, экспорт, ахборот коммуникация технологиялари, IT экспорти.

Кириш

Маълумки, инновацион фаолиятга ёндашган ҳолда, жамиятимизни янада барқарорлаштириш ва бу орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда мамлакатни демократик янгилашда иқтисодий фанларнинг ролини қучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Айни пайтда давлатимиз қудратини оширишга, халқимиз фаровонлигини яхшилашга хизмат қилувчи инновацион технология ва ишланмаларнинг ҳаётга самарали тадбиқ этилишини янада ривожлантиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Жаҳонда 1992 йилда ахборотлар оқими ҳажми бир кунда 100 гегабайт (гб)ни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 45 минг гб.га teng бўлди. Прогнозларга кўра, IP график ҳажми секундига 150 минг гб.га етиши кутилмоқда.

Шунингдек, президентимиз Ш.Мирзиёев “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”- деб таъкидлаганлар. Бу фикрлар ҳозирги даврда иқтисодиётда рақамли иқтисодиётни долзарблигидан далолат беради.

Асосий қисм

Рақамли иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига таъсири икки йўналишда содир бўлмоқда:

биринчидан, янги — қўшилган қийматни яратиш занжири - қиймат тўпланган маълумотларни — рақамли интеллектга айланиши ва ундан тижорат мақсадида фойдаланиш жараёнидаги монетизациялашув туфайли вужудга келади.

иккинчи йўналиш — рақамли платформа бўлиб, бизнес моделлар томонидан тўпланган маълумотларга асосланади ва иқтисодиётда амал қилаётган тармоқларни ўзгаришига олиб келади.

Таҳдиллар кўрсатишича, жаҳондаги энг йирик саккизта бозор капитализацияси кўрсаткичи бўйича компанияларнинг еттитаси бизнес модел платформаларидан унумли фойдаланмоқда. Жаҳонда кучсиз интернет алоқасига эга бўлган мамлакатлар билан рақамлаштириш даражаси жуда юқори бўлган мамлакатлар ўртасидаги фарқ кескинлашиб бормоқда. Жаҳоннинг рақамли иқтисодиёт географиясида етакчи ўринни АҚШ ва Хитой эгаллади. Улар хиссасига дунёдаги блокчейн технологияси билан боғлиқ бўлган патентларнинг 75 фоизи, интернетга сарфланадиган харажатларнинг 52 фоизи, яратилган жаҳон технологиялари бозорининг (Cloud system) 75 фоизи, жаҳондаги 70 та энг йирик рақамли платформаларнинг бозор капитализациялашувининг 90 фоизи тўғри келади.

Рақамли иқтисодиётнинг анъанавий иқтисодиётдан қуидаги муҳим устунлик ва афзалликларини санаб ўтиш мумкин:

- давлат бошқаруви сиёсати самарадорлиги билан давлат хизматларидағи ижро сифати ўртасидаги мутаносиблик таъминланади;
- иқтисодиётда қийматнинг яратилиш занжирини бир макондан бошқа маконга ўтказиш орқали юқори қўшилган қийматга эга тармоқларда кенг кўламли таркибий ўзгаришлар юз беради;
- инновацияни ривожлантириш ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиришга хизмат қиласи;
- иқтисодиёт тармоқларини мақсадли дастурлаш орқали аниқ натижага йўналтириш имконияти яратилади;
- ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш орқали меҳнат унумдорлиги бир неча марта оширилади;
- тармоқлар ва ускуналар фойдаланиш кўлами ва самарадорлиги ошиши ҳисобига инвестициялар қайтиши тезлашади;
- мураккаб молиявий операцияларнинг бажарилиши соддалашиб, маълумот алмашиш сонияларда амалга ошади;
- виртуал кўламнинг кенгайиши ҳисобига аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифати ошади ва соддалашади;
- интеллектуал салоҳиятдан кенг фойдаланиш эвазига моддий сарф-харажатлар камаяди ва рентабеллик даражаси ошади;

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

- интернет-дўконларда фаолият олиб борувчи сотувчиларнинг (Multi-Vendor) электрон платформадаги (online e-commerce market place) операцияларини марказлашган тартибда бошқариш имконияти яратилади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши қўп сонли янги иқтисодий имкониятларни вужудга келишига замин яратади. Рақамли маълумотлар иқтисодиётда қийматни яратиш занжирини трансформациялашувига қўшилган қийматни кўпайтиришнинг янги имкониятларини очилишига ва чукур таркибий ўзгаришларни содир бўлишига олиб келади. Рақамли иқтисодиётнинг қўшилган қийматни яратиш ва фойда олишни кўпайтиришга

таъсирини бир қатор кўрсаткичлар орқали (жумладан, меҳнат унумдорлиги,

қўшилган қиймат миқдори, бандлик, даромад ва савдо) таҳлил этиш мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

□ рақамли иқтисодиётга берилган умумэътироф этилган ягона тарифнинг мавжуд эмаслиги;

□ ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ҳисоблаш учун зарур ишончли статистик маълумотлар етишмаслиги;

□ телекоммуникация инфратузилмасида рақамли узилишларнинг сақланиб қолинганлиги;

□ жамият томонидан рақамли хужжатларга ва хизматларга бўлган ишончсизлик даражаси ва уларни давлат органлари, суд идоралари томонидан қабул қилинишига ишончсизлик;

□ рақамли технологияларни қўллаш соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг йўқлиги, жумладан уларнинг мамлакатдан кетиб қолиши билан боғлиқлиги;

□ рақамли технологияларни қўллашга қаратилган лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштиришнинг самараисизлиги, шаффоф ва етарли ҳажмда эмаслиги, ҳамда мамлакатнинг минтақаларини ривожланиш кесимида бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизмининг йўқлиги;

□ давлатдаги мавжуд статистик маълумотлар тизими ва ресурсларининг турли хиллиги ва тарқоқлиги.

XXI аср бошларида рақамли иқтисодиётнинг жаҳон ЯИМдаги улуши турли хил ҳисоб-китобларга кўра, 4,5-15,5 фоизни ташкил этмоқда.

Натижа

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон ахборот-коммуникацион технологиялар (АКТ) секторида яратилган қўшилган қийматнинг 40,0 фоизи АҚШ ва Хитой хиссасига тўғри келмоқда. Жаҳонда АКТ секторида банд бўлганлар сони 2010

йилдаги 34 млн. кишидан 2015 йил 39 млн. кишига етди. Жумладан, уларнинг 38 фоизи компьютер хизматлари соҳасида банд ёки жаҳонда банд бўлганларнинг умумий сонининг 1,8-2,0 фоизи АҚТ сектори хиссасига тўғри

келади. Компьютерлик хизматлар индустряси жаҳон иқтисодиётидаги ягона

сектор сифатида дунёning барча минтақаларида барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳаттоқи –Covid-19 пандемияси шароитида ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб, иқтисодий жиҳатдан энг юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бирига айланди.

Таҳлиллар кўрсатишича, –Covid-19 пандемияси шароитида АҚШда интернет тармоғи орқали ҳафталик кинолар кўриш ҳажми 32 фоизга, қисқа метражли видеолар кўриш 36 фоизга ва ўйин платформаларида трафиклар ҳажми 75 фоизга ортди. 2020 йил I кварталида америкаликларнинг видео-ўйинларга сарфлаган харажатлари 11 млрд. долл.га қўпайди.

XXI аср бошларида жаҳонда АҚТ хизматларининг экспорти ҳажми умумий хизматларнинг экспортига нисбатан жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу ҳолат жаҳон иқтисодиётини борган сари рақамлашиб бораётганлигини яна бир бор исботлайди. Жумладан, 2018 йил рақамли технологиялар ёрдамида кўрсатилган хизматлар экспортининг ҳажми 2,9 трлн. долл.ни ташкил этиб, жаҳонда хизматлар экспортининг 50 фоизига тенг бўлди. Ваҳоланки ушбу кўрсаткич 2005-2018 йилларда 3 марта ортди. Рақамли платформалар жаҳон иқтисодиётида борган сари катта аҳамият касб этиб бормоқда. 2017 йилда рақамли платформалар асосида фаолият кўрсатувчи бозор капитализацияси 100 млн. долл.дан ортиқ бўлган компанияларнинг ялпи қиймати 7 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 67 фоизга ортди. Жаҳондаги баъзи глобал рақамли платформалар маълум сегментларда жаҳон бозорида кучли позицияларга эга бўлди. Масалан, жаҳондаги интернетнинг 90 фоиз қидирув тизимлари –Google компаниясига тегишли ҳисобланади. –Facebook компаниясига эса жаҳон ижтимоий тармоқлар бозорининг 2/3 қисми тўғри келади ва унинг платформаси жаҳондаги ижтимоий тармоқлар таркибида 90 фоиздан ортиқ мамлакатларда етакчи ўрин тутиб, оммабоп ҳисобланади.

Жаҳон чакана Он-лайн сотувларининг 40 фоизи –Amazon компанияси шаҳобчалари орқали амалга оширилади. Коронавирус пандемияси шароитида

АҚШнинг –Amazon компанияси даромадлари кескин ортди ва Он-лайн савдо гиганти қўп сонли янги иш ўринларини яратди, ҳодимларга тўланадиган иш ҳақи ҳажмини оширди. Amazon компаниясининг муваффақияти унинг асосчиси Джеки Безосни 2020 йилди планетанинг энг бой одами статусини яна бир бор эгаллашига сабаб бўлди.

Юқорида номлари келтирилган рақамли гигантларни бозордаги етакчи ролининг кучайиши қуйидаги омиллар билан белгиланади:

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

◻ шаҳобча самараси (яъни платформадан фойдаланувчилар сонининг ортиши унинг қийматини ўсишига олиб келди);

◻ платформаларнинг ахборотларни излаш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш қобилияти билан боғлиқдир.

Хулоса

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши миллий иқтисодиётларни рақобатбардошлигини ошири, қуйидаги нисбий афзаликларга эришиш имконини беради: биринчидан, миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлайди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш қуйидаги дастаклар орқали амалга оширилади:

◻ инклузив-ижтимоий жараёнларга максимал миқдордаги фуқароларни жалб этиш;

◻ инновацияни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш.

Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилиши миллий иқтисодиётда савдо, капитал ва ишчи кучи ҳажмлари ва уларнинг мобиллигини ортиши билан бир қаторда, соғлом рақобат муҳитини кучайишига олиб келади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши меҳнат бозорини трансформациялаш имконини беради. Ушбу трансформация комплекс характерга эга бўлади ва иқтисодиётнинг анъанавий тармоқларини аста секин рақамли иқтисодиётга жалб этиш орқали амалга оширилади.

Глобал тадқиқотлар кўрсатишича, рақамли иқтисодиётни ривожланишидан олинадиган самара ижобий характерга эга бўлади. Масалан, McKinsey компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра, АҚТ соҳасида яратилган бир иш ўрни умуман иқтисодиётда 2-4 иш ўринларини очилишни рағбатлантиради. PWC компанияси ҳисоб-китобларига кўра, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг 10 фоизга ортиши ишсизлик даражасини 0,84 фоизга камайишига олиб келади. Сўнгги 15 йил мобайнида Францияда ўтказилган чуқур таҳлиллар кўрсатишича, иш ўринларини рақамлаштириш сабабли ишдан бўшатилган 500 минг иш ўрни мамлакатда қўшимча 1,2 млн. иш ўринларини яратиш имконини берди.

Иқтисодиётни рақамлаштириш ўтиш мамлакатлари иқтисодиётининг тармоқ ва секторларида иқтисодий ва ижтимоий дивидентларни кўпайишига

олиб келади. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришни жадаллаштириш учун

қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

◻ ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегиясини қабул қилиш;

◻ рақамли иқтисодиётни хукуқий-институционал асосларини мунтазам такомиллаштириб бориши;

② рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этиш механизмини яратиш ва янада ривожлантириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. –Халқ сўзи||2020 йил 25 январь.

2. Вахабов А.В. Жаҳонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишлари. “Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари., Т.: 2020 йил 16-18 бет

3. www.un.org/publications. Доклад о цифровой экономике 2019. -с.13.

4. Тошматов Ш.А., Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти: прогноз ва рисклар/ “Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари., Т.: 2020 йил 16-18 бет

5. Allianz CEO Oliver Bäte, July 2017: <http://perspectives.eiu.com/financial-services/future-financialservices-transforming-industry/article/embracing-pattern-change-model-innovation-across-banking-insurance-and-asset-management>.

6. <https://newsroom.accenture.com/news/investment-in-insurtech-industry-surged-in-2017-with-europe-emerging-as-key-insurtech-hub-accenture-analysis-finds.htm>.

7. <https://www.ft.com/content/654e5dec-b030-11e8-99ca-68cf89602132> – accessed 13 Sept 2018.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги –Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида||ги ПҚ-4699-сон қарори//www.Lex.uz